

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: 1-son pudrat shartnomasi

«Buyurtmachi» deb yuritiladigan Shovot tuman Obodonlashtirish boshqarmasi nomidan Ustav asosida ish ko‘rvuchi boshliq M.Qurbanov bir tomondan, keyingi o‘rinlarda «Pudratchi» deb yuritiladigan DIL-DOSTON CITI MCHJ nomidan Ustav asosida xarakat qiluvchi korxona rahbari D.Ro‘zmetov ikkinchi tomondan Shovot shaxri “Xiva” ko‘chasi hududida suv ta’mintoni yaxshilash qurilishi bo‘yicha qurilish-montaj ishlarini amalga oshirish bo‘yicha umumiyligi 89.000.000 so‘mlik shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot - Shovot tumani Obodonlashtirish Boshqarmasi tomonidan 19.04.2022 yil sanasida ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Ushbu loyiha O‘zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi №670-1-sonli Qonuni va amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti:



Qurbanov B.R.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Шовот тумани

«14» апрел 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Хоразм вилояти Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси** номидан Устав асосида иш кўрувчи бошлиқ, М.Қурбанов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **DIL-DOSTON CITY MCNJ** номидан Устав асосида харакат қўлувчи корхона раҳбари Д.Рўзметов иккинчи томондан **Шовот шахри “Хива”** кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши бўйича курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади;

-ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айrim масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар;

-курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади;

-вақтингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини бўлиб чиқиши – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ **Шовот шахри “Хива”** кўчаси худудида сув таъминотини яхшилаш курилиши объектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда кўшилган қиймат солиги билан бирга **89 000 000 (саксон тўққиз миллион)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ муддатта ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ, бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.
Кўриб чиқган юрист: QURBONOV BEKZOD RAJABOVICH. Ҳужжат рақами: RQ2776772211

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофик топшириш;
 - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
 - курилиш майдони худудида вактингчалик иншоотлар куриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
 - курилиш майдонидаги техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
 - курилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
 - мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вактингчалик бинолардан бўшатиш;
 - курилиш майдони кўриклини таъминлаш;
 - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бүртмачига тақдим қиласди.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га teng бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган обьект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи обьектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ хажмда тақдим қиласди.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини обьект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки старли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИЙ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни «30» «апрел» 2022 йил фойдаланишга топширилиши белгиланади.

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс ўтказади, бу 26 700 000 (йигирма олти миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан беш банк кунида молиялаштирилади ва колган 70 % микдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали хамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблағлар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тўлаш, объект курилишида иштирок этадиган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиши монтаж ишлари микдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» ўзи тушиб такдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларининг барча турлари билан тусиксиз танишиши хукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишида ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чинкишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш кийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида стказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бёвосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтта мутаносиб равишида узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт узилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини мухокама қиладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

33. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни кабул қилиш ва объектдан фойдаланишининг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилиши;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиши муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлами даюлатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорида жарима солиш хукукига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

34. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

35. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб кўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

36. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра туталланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл кўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тутрисида» ги қонунида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 395 соили карори билан, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганилиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қўйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тўлади;
- буюртмачининг хисоб ракамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тўлади;
- шартномага муофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равища кабул килиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул килиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% микдорида жарима тўлади;
- шартнома шартларига муофиқ тайёр ҳолда кабул килиш учун тақдим килинган объектни асоссиз равища кабул килишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тўлади;

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи олдида қўйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса, мажбуриятлариниң бажарилмаган кисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% микдорда пеня тўлади;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдорда бажариб тегишли тартибаги маълумотлар билан хисбот ойининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тўлади;
- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган микдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% микдорида жарима тўлади;
- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома кийматининг 5% микдорида жарима тўлади;
- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф қиласа ушбу аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% микдорида жарима тўлади.

43. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганилиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айборд томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тўлади.

44. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айборд томон иккинчи томонга барча заарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

45. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўладиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.

46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

47. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

48. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

49. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

50. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва күшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакиқий хисобланади.

51. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага Кўрашмичандар ёки юрмоқларни ўзаро ўзинирадамасдан ўтишибекар.

52. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзи тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

53. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартаришлар киритилса кайта куриб чиқилади.

54. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари қўлланилади.

55. Мазкур шартнома тамонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кузда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал килади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57. Мазкур шартнома «31» «декабр» 2022 йилгача амал килади.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БЮОРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Шовот туман Ободонлаштириш бошқармаси	DIL-DOSTON CITI MCHJ
Манзили: Шовот туман “Туркистон” кўчаси, 78-ий	Манзили: Шовот т.Эшонқалъа МФЙ Икбол кўча №99
Тел/факс: (62) 34-51-661	Тел/факс: 33-313-90-90
X/p: 401722860332307065200110001	X/p: 2020 8000 9055 0768 7001
СТИР: 207083529 ИИН:201122919	СТИР: 309 400 895
ИФУТ: 70100 x/p:23402000300100001010	ИФУТ:
Банк: Марказий банк Ташкент шахри XCMK	Банк: Агробанк Шовот филиали
МФО: 00014	МФО: 00567



Бошлик.

М.У.

М.Курбанов

(имзо)

Директор

М.У.

Д.Рўзметов

